O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI TERMIZ TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ТЕРМЕЗСКОГО РАЙОНА

2020 у « 30 » Апрель № К-465 «____»_____20___ г

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 21 апрелдаги “Вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги К-183-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 21 апрелдаги Қ-183-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 21 апрелдаги “Вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Қ-183-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорига киритилаётган ўзгаришлар миқдори 10 фоиздан кам эканлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги муносабати билан жорий йилнинг 1 апрелидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

Сканировано с CamScanner

4. Туман Молия бўлими (Ў.Кўчкинов)га 2020 йилги бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу карор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Қаландаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Ш.Уринов**

Termiz tuman hokimligi
ASLIGA TO'G'RI